

СУРИНКАЛИ ХОЛЕЦИСТИТНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Эгамбердиев К.К., Исраилов Р.,

Тошкент тиббиёт академияси Ургенч филиали.

✓ Резюме

Ушбу ишда суринкали холециститда ўт пуфаги деворининг ҳар хил анатомик қисмларидағи яллиганиш, чандиқланыш ва дисрегенератор ўзгаришлар хақидағы маълумотлар тақоммилаштирилди. Жами 854та операцияда олиб ташланган ўт пуфакларидан 314 тасида суринкали холецистит аниқланды, уларнинг 88,5% аёллар, қолганлари эркаклар бўлиб чиқди. Суринкали яллиганиш ҳисобига ўт пуфаги анатомик қисмлари деворининг ҳар хил қалинликдаги ўзгаришлари, шиллиқ пардаси қопловчи эпителийисида ҳам бир-бираидан фарқ қилувчи ўзгаришлар, яъни тана қисмидаги кўпроқ атрофияларниб яссиланиш, дум қисмидаги эпителийининг гиперплазияларниши ҳисобига полипсизмон ўсимталарнинг пайдо бўлиши, бўйин қисмидаги сўрғичларининг кенгайиши ва юзасидаги эпителийининг призматик ҳолатга айланниши кузатилди. Суринкали холециститни кўрсатувчи яллиганиши инфильтрати кўпроқ тана қисмининг хусусий пластинкаси ва шиллиқ ости қаватида диффуз ҳолда лимфогистиоцитар инфильтратнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлди.

Калим сўзлар: ўт пуфаги, холецистит, яллиганиш, чандиқланыш, дисрегенерация, асоратланиш.

ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ХОЛЕЦИСТИТА

Эгамбердиев К.К., Исраилов Р.,

Ургенчский филиал Ташкентского медицинского академии.

✓ Резюме

В этом исследовании были исследованы данные о воспалении, рубцевании и дисрегенеративных изменениях в различных анатомических частях стенки желчного пузыря при хроническом холецистите. В результате 854 удаленных во время операций желчного пузыря выявлено 314 случаев хронического холецистита, из которых 88,5% - женщины, а остальные - мужчины. Изменения толщины стенки анатомических частей желчного пузыря из-за хронического воспаления, различные изменения эпителия слизистой оболочки, т.е. большая атрофия и уплощение тела, гиперплазия эпителия в хвосте, увеличение эпителия на шее и поверхности становятся призматическим.

Воспалительный инфильтрат, указывающий на хронический холецистит, был более выражен с появлением лимфогистиоцитарного инфильтрата, диффузного в определенной пластине и подкожном слое части тела.

Ключевые слова: желчный пузырь, холецистит, воспаление, рубцевание, дисрегенерация, осложнение.

PATHOMORPHOLOGICAL CHANGES IN CHRONIC CHOLECYSTITIS

Egamberdiev K.K., Israfilov R.,

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy.

✓ Resumé

In this study, data on inflammation, scarring and dysregenerative changes in various anatomical parts of the gallbladder wall in chronic cholecystitis were investigated. As a result of 854 gallbladder removed during operations, 314 cases of chronic cholecystitis were revealed, of which 88.5% were women, and the rest were men. Changes in the wall thickness of the anatomical parts of the gallbladder due to chronic inflammation, various changes in the epithelium of the mucous membrane, i.e. large atrophy and flattening of the body, hyperplasia of the epithelium in the tail, an increase in the epithelium on the neck and surface becomes prismatic.

Inflammatory infiltration, indicating chronic cholecystitis, was more pronounced with the appearance of lymphohistiocytic infiltrate, diffuse in a certain plate and subcutaneous layer of a part of the body.

Key words: gallbladder, cholecystitis, inflammation, scarring, dysregeneration, complication.

Долзарблиги

Эпидемиологик текширувларга бағишлиланган илмий адабиётлар маълумотлари бўйича суринкали холецистит ва ўт-тош касаллиги ривожланган давлатлар ишга қобилиятли ахолиси орасида ўртacha 10-15 5ни ташкил қиласиди[1,2]. Россия давлатида ҳар хил касбдаги инсонлар орасида бу касаллик 3-12%гача тарқалган. Ўзбекистон ахолисининг 20 ёшгача қисмидаги ҳар бтадан биттасида, 31-40 ёшлилар орасида кўпайиб бориши, энг кўп учрайдиган ёш 41-50 ёш ҳисобланади, бунда аёлларда эркакларга нисбатан 1,5 баробар кўп учраши кузатилади. Бизга таниш адабиёт маълумотларида бу касалликнинг таснифи бўйича бир қанча

қарашлар мавжуд. Барча таснифлар бу касалликнинг ривожланиши давларига қараб 3 та турга бўлинади: 1-клиник намоён бўлгунгунча давр; 2-тош пайдо бўлиши ваклиник белгиларнинг намоён бўлиши даври; З-суринкали холецистит оқибатида ривожланган асоратлар даври[3,4,5]. Касалликнинг биринчи даврида ўт пуфагидаги морфологик ўзгаришлар кам намоён бўлади, хатто УЗИ текшируvida ўт-сафронинг қўйиклашви, таркибининг бир хил эмаслиги аниқланади. Кейинги давларидаги ўт пуфагида тош пайдо бўлганлиги ва деворининг нисбатан қалинлашганлиги аниқланади. Касалликнинг аниқ клиник қўринишларга эга бўлган даврида морфологик жиҳатдан ўт пуфагининг кескин катталашиши, деворининг қалинлашиши ва

асоратлар ривожланганлиги кузатилади. Лекин, морфологик жиҳатдан ўт пуфаги деворидаги яллигланишга, жандиқланишга, асоратланишга, диспластик жараёнларнинг ривожланишига хос ўзгаришлар деярлик ўрганилмаган.

Ишнинг мақсади. Суринкали холециститда ўт пуфагининг ҳар хил анатомик қисмларида ривожланган яллигланишли, жандиқланишли ва дисрегенератор ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни такомиллашибирш.

Материал ва методлар

Материал сифатида РПАМнинг биопсия бўлимида охирги 5 йил, яъни 2015-2019 йиллар давомида морфологик текширувдан ўтказилган суринкали холецистит ва суринкали ўт-тош касаллиги ажратиб олинди. Жами 5 йил давомида 854 та ўт пуфаги морфологик жиҳатдан ўрганиб чиқилди. Суринкали холециститга хос морфологик ўзгаришлар 314тасида аниқланди. А.А. Шалимов таснифи бўйича суринкали холециститнинг Зта формаси фарқ қилинди: 1-суринкали холецистит - 156 тасида, суринкали рецидивланган асоратсиз холецистит - 86тасида, 3-асоратланган суринкали холецистит - 72 тасида аниқланди. Барча ўт пуфакларининг бўйин, тана ва дум қисмидан бўлакчалар олиниб, 10% нейтралланган формалинда қитирилди. Бўлакчаларни концентрацияси ошиб борувчи спрелларда сувсизлантирилиб, парафин қуилиби блоклар тайёрланди. Гистологик кесмалар гематоксилин ва эозин билан бўлди ва ёруғлик микроскопида ўрганилиб, керакли жойлари расмга туширилди.

Натижা ва таҳлиллар

Суринкали холециститда ўт пуфаги деворини гистологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, жами 854 та холесистит диагнози билан олинган ҳолатлардан 314тасининг, 36,7%да ўт пуфаги деворида суринкали холециститга хос ўзгаришлар аниқланди. Улардан 277 таси, яъни 88,5% аёллар, қолганлари эркакларлиги аниқланди. Аёллар орасида 1,5% 16-20 ёшлилар, 9,6% 21-30 ёшлилар, 21,5% 31-40 ёшлилар, 16,8% 41-50 ёшлилар, 24,6% 51-60 ёшлилар, 10,5% 61-70 ёшлилар 7,4% 71-80 ёшлилар, қолганлари 80 ёшдан юқориларни ташкил қилди. Эркаклар орасида асосан 31 ёшдан 60 ўшгача бўлганлар суринкали холецистит билан оғриганликлари аниқланди. Демак, суринкали холецистит билан асосан аёллар ва 41-50 ўшгача бўлган инсонлар касалланиши кузатилди. Касаллар шифохонада ўртacha 5,8 кун ётганлиги ва ўртacha 2,6 кунида операция қилинганлиги аниқланди.

Морфологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, ўт пуфагининг туб қисмida шиллиқ парда қопловчи эпителийиси айрим соҳаларида атрофия ва десквомацияга учраган, бошқа соҳаларида эса гиперплазияниб, полипсизмон ўсимталар пайдо қилган. Атрофияланган қисмida базал қават эпителийлари яс силаниб, ядролари гиперхромазияга учраган ва яллигланишли дисплазия кўринишини беради. Гиперплазияланган соҳаларида юза қават эпителийиси кўп қаторли эпителийга айланган, базал қаватдаги ҳужайоалари нисбатан йириклишган, ядролари гипертрофияланган ва гиперхромазияланган. Шиллиқ ости қава-

тида шаклланмаган бириктирувчи тўқима шаклланган бириктирувчи тўқимага айланганлиги, унинг таркибида суринкали яллигланишга хос диффуз ҳолдаги лимфоид инфильтрация (1-рам) пайдо бўлганлиги аниқланади. Жумладан, яллигланиш инфильтрати асосан қон томирлар атрофида ва без ячейкалига яқин соҳаларда пайдо бўлганлиги кузатилади. Шиллиқ ости қаватида яллигланиш инфильтрати орасида соҳта без ячейкалари пайдо бўлганлиги ва уларда асосан шилимшиқ ишлаб чиқазадиган эпителийлар жойлашганлиги кузатилади.

Ўт пуфагининг тана қисми морфологик текширилганда шу ҳолат аниқланди, шиллиқ пардаси қопловчи эпителийиси аксарият майдонида ясилланган ва атрофияланган, натижада сўргичлари йўқолган, уларнинг ўрнига ҳар хил катталикдаги безли, айримлари кистозли ячейкалар пайдо бўлган (2-расм). Шиллиқ ости қаватида шаклланмаган бириктирувчи тўқима ўрнига шаклланган ва кўп толали фиброз тўқима ўсиб кўпайганлиги аниқланади. Бу соҳанинг мушак қаватида ҳам ўзига хос ўзгаришлар, яъни мушаклар орасида фиброз тўқима ўсанлиги, силлиқ мушак ҳужайраларининг гипертрофияланганлиги, саркоплазмасининг дистрофик ўзгаришга учраганлиги кузатилади. Бу соҳанинг ташқи сероз пардасида ҳам фиброз ва ёғ тўқимаси ўсиб кўпайганлиги, ёғ тўқимасининг мушак қаватига тарқалганлиги аниқланади.

Ўт пуфаги бўйин қисми морфологик текширилганда шу ҳолат аниқланди, бу соҳа девори қатламларининг гистотопографияси бошқа қисмларидан фарқ қилганлиги аниқланди. Авваламбор шиллиқ пардаси сўргичлари кенг, қопловчи эпителий ва без ячейкаларининг гиперплазияси ҳисобига қалинлашганлиги (3-расм), юзасидаги эпителийиси призматик шаклдалиги, базал мемранаси нисбатан қалин, бириктирувчи тўқимали хусусий пласгинкаси зич ва нисбатан етилган бириктирувчи тўқимадан ташкил топган, ундаги қон томирлари сийрак жойлашганлиги кузатилди. Суринкали холециститга хос ўзгаришлар сифатида бу соҳада, яъни хусусий пласгинкада лимфоид инфильтрация асосан қон томирлар атрофида ва сўргичлар апикал қисмida пайдо бўлганлиги кузатилди. Мушак қавати икки йўналишдаги силлиқ мушак ҳужайраларидан иборатлиги, айланана ва бўйлама, лекин бошқа қисмларидан фарқи бу мушак толалари нисбатан юпқа ва сийрак жойлашган. Мушак ҳужайралар тутамлари орасида без ячейкалари пайдо бўлган ва аденоомиз кўринишида ҳар хил катталикдаги безлар пайдо бўлган ва улар атрофида лимфогистиоцитар яллигланиш инфильтрати билан ўралган (4-расм). Яллигланиш ҳисобига мушак толалари орасида суринкали яллигланиш инфильтрати ва бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кўпайганлиги аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда шу ҳолат маълум бўладики, суринкали яллигланиш ҳисобига ўт пуфаги анатомик қисмлари деворининг ҳар хил қалинликдаги ўзгаришлари, шиллиқ пардаси қопловчи эпителийисида ҳам бир-биридан фарқ қилувчи ўзгаришлар, яъни тана қисмida кўпроқ атрофияланниб яс силаниш, дум қисмida эпителийнинг гиперплазияланиши ҳисобига полипсизмон ўсимталарининг пайдо бўлиши, бўйин қисмida эса сўргичларининг кенгайиши ва юзасидаги эпителийнинг призматик ҳолатга айланishi кузатилди. Суринкали холециститни

